DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7631816

Pages: 284-293



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Нилуфар Имамова
Халқаро рейтинглар билан ишлаш
бўлими бошлиғи,
катта ўқитувчи
ТДШУ
nilufar_imamova@tsuos.uz

Калит сўз: БРМ, таълим тизими, янгича ёндашув, шахс манфаати ва таълим устуворлиги, таълимда талабалар роли, таълимда ўқитувчилар роли, кредит-модуль тизими, талабага йўналтирган таълим, “Flipped learning”, мустақил таълим.

Аннотация: Мазкур мақолада иқтисодий ислоҳотлар жараёнлари тезкор ривожланиш динамикаси шароитида олий таълим соҳасида таълим сифатини янада ошириш вазифалари, шунингдек, мустақил қарор қабул қиладиган ва замонавий педагогик технологияларга тез мосланишга лаёқатли, малакали мутахассисларни тайёрловчи педагогларга қўйилган вазифалар ва таълимда роли мутлақо ўзгариб бораётган талабалар олдига қўйилган вазифалар ҳамда сифатли таълимда муҳим аҳамиятга эга бўлган мустақил таълимни йўлга қўйишнинг замонавий усуллари атрофлича муҳокама қилинган.

THE ROLE OF QUALITY EDUCATION IN ACHIEVING THE GOALS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

Keyword: SDG, educational system,newapproach, individual interest and priority of education, the role of students in education, the role of teachers in education,credit-module system,student-oriented education,“Flippedlearning”, independent education.

Abstract: This article discusses the tasks of further improving the quality of education in the field of higher education in the context of the rapid dynamics of the development of economic reform processes, as well as the tasks set for teachers who make independent decisions and are able to quickly adapt to modern pedagogical technologies, and the tasks that are set for students, whose role in education is completely changing, as well as modern methods of self-study, which are important for quality education, are considered in detail.

РОЛЬ КАЧЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ДОСТИЖЕНИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

Ключевое слово: ЦУР, образовательная система, новый подход, индивидуальный интерес и приоритет образования, роль учащихся в образовании, роль учителей в образовании, кредитно-модульная система, студентоориентированное обучение, “перевернутое обучение”, самостоятельное обучение.

Аннотация:В данной статье рассмотрены задачи дальнейшего повышения качества образования в сфере высшего образования в условиях стремительной динамики развития процессов экономических реформ, а также задачи, поставленные перед педагогами, принимающими самостоятельные решения и способными быстро адаптироваться к современным педагогическим технологиям, и задачи, которые ставятся перед учащимися, роль которых в образовании полностью меняется, а также подробно рассмотрены современные методы самостоятельного обучения, которые важны для качественного образования.

Ўзбекистонда сўнгги даврда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг суръатлари жадаллашиб, жаҳон миқёсида БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида жамият ҳаётининг барча соҳаларида янгиланиш, замонавийлашув ва замон талабларидан келиб чиқиб сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Бу олий таълим тизими, хусусан, ўқув жараёнида яққол намоён бўлмоқда. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, бу жараёнда замонавий хорижий ўқув адабиётларидан фойдаланиш, олий таълимнинг янги малака талабларидан келиб чиқиб, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаш, талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш шулар жумласидандир.

Бизга маълумки, БМТнинг 17 барқарор ривожланиш мақсадларининг 4-мақсади бу сифатли таълимни йўлга қўйишдир. Яъни сифатли таълимни йўлга қўйиш орқали мамлакатда фаровонликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасидаги харакатлар йиғиндисини амалга оширишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда бу борада мамлакатимизда мавжуд моддий, иқтисодий, интеллектуал ресурслардан оқилона фойдаланиш, чекланган заҳиралардан юқори самара олиш, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишининг олдини олиш ва доимий равишда ошириб бориш, ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, тегишли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да тўртинчи устувор йўналиш - Ижтимоий соҳани ривожлантиришда муҳим вазифалардан бири сифатида умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган[1].

Ушбу фикрларга асосланган ҳолда айтиш ўринлики, талабаларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ҳам янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш, модулли технологияга асосланган таълим бўйича дарс бериш, мавжуд дарс бериш технологияларининг таркибини ва мазмунини такомиллаштириб бориш ҳамда бу борада хизмат қилувчи педагог кадрларнинг малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш давр талабига айланмоқда. Бу борада Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мақсадида, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон Фармони қабул қилинди[2].

Шунингдек, мамлакатимизда таълим тизимига оид сиёсат, таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси сифатида жорий 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунни келтириш мумкин. Мазкур қонуннинг 6-моддасига биноан, таълим тизими:

давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини; давлат таълим стандартларини, давлат

таълим талаблари ва ўқув дастурларини амалга оширувчи таълим ташкилотларини;

таълим сифатини баҳолашни амалга оширувчи ташкилотларни;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасаларни;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларини, шунингдек уларнинг тасарруфидаги ташкилотларни ўз ичига олади.

Таълим тизими ягона ва узлуксиздир[3].

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий тамойилларидан бири бу “шахс манфаати ва таълим устуворлиги” бўлиб, у мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат, шунингдек, модулли ўқитиш технологиясининг асосини белгилаб беради. Шундан келиб чиқиб, таълимнинг янги модели заминида қуйидагилар ётади: таълимнинг ҳар бир шахсга йўналтирилганлиги ва тизимли ёндашув, таълим субъектлари муносабатларини демократлаштирилиши ва инсонпарварлаштирилиши;

- таълимда талабалар ролини ўзгариши, улар ўқув фаолиятини мустақил олиб борувчи, таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектлари;
- таълимда ўқитувчининг ролини ўзгариши, яъни у мустақил ўқув фаолиятининг ташкилотчиси, талабаларнинг жонкуяр маслаҳатчиси ва ёрдамчиси. Талабалар билими, кўникмаси, интилишларига қараб уларни тўғри йўлга йўналтириб турувчиси;
- таълимнинг усуллари ва воситаларининг ўзгариши. Биринчидан, муаммоли вазиятлар, фаол ижодий-тадқиқий фаолиятни яратишга асосланган, масалалар ечимини қидириш ва ечиш, билимларни амалда қўллашга йўналтирилган фаол ва интерфаол усуллар анъанага айланмоқда. Иккинчидан, жамоа ва гуруҳларда ишлаш кенг қамровли таълим шаклига нисбатан кўпаймоқда. Учинчидан, ахборот технологиялари таълимнинг анъанавий воситалари билан бир қаторда кенг қаторда қўлланилмоқда, ўқув

материаллари талабалар томонидан билимларни мустақил равишда ўзлаштириш учун фойдаланилмоқда.

- педагогик бошқариш усуллари ва воситаларининг ўзгариши. Ўқитувчи муаммоларни аниқлашга, қарорлар қабул қилишга қодир ва уларни амалга ошишига маъсул менежерга айланмоқда. У нафақат ўз педагогик фаолиятини балки, талабалар фаолиятини ҳам башоратлайди, лойиҳалаштиради ва режалаштиради, яъни қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва ўқув фаолиятининг режалаштирилган натижаларига эришиш бўйича самарали фаолият тизими ва мазмунини ишлаб чиқади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йилнинг 8 октябрида "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжатда "Республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва олий таълим - муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш" белгилаб берилди. Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди[4].

Кредит-модуль тизими, бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

— ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш;

— битта фан, курс (кредит)нинг қийматини аниқлаш;

— талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;

— талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда тузишларига имкон яратиш;

— таълим жараёнида мустақил таълим олишнинг улушини ошириш;

— таълим дастурларининг қулайлиги ва меҳнат бозорида мутахассисга қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкинлиги.

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир. Мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Кредит-модуль тизими муайян тамойиллар асосига қурилган. Улар қуйидагилар:

1. Талабага йўналтирган таълимни ташкил этиш (student-centered education);

2. Таълимда шаффофликка эришиш (transparent education);

3. Таълимда мослашувчанликни кучайтириши (improving flexiblity);

4. Талабалар мобиллигини кучайтириш (improving student mobility)[5].

Талабага йўналтирган таълимни ташкил этишнинг таълим технологиясига “Flipped learning” (Тескари таълим) технологиясини келтириш мумкин. Ушбу технология бўйича асосий фикрлар Ўзбекистон

Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам илгари сурилган, яъни “таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар (лекцияни бошқа ўқув хонасидан ёки олий таълим муассасасидан онлайн ўзлаштириш), “blended learning” (аввалдан ёзилган лекция ва семинар машғулотларини уйда ўзлаштириш) ва “flipped classroom” (лекцияни уйда ўзлаштириш, семинар машғулотини олий таълим муассасасида бажариш) технологияларини амалиётга кенг жорий этиш назарда тутилди[6].

1-жадвал

Анъанавий таълим **TRADITIONAL APPROACH**	**Тескари таълим** **FLIPPED LEARNING APPROACH**
Материал талабаларга ўқитувчи томонидан айтилган **тезликда** берилади.	Талабалар дарсдан олдин ўзларининг **тезлигида** маълумотни ўзлаштирадилар.
Материал асосан **гапирилади**, эҳтимол PowerPointда қўллаб-қувватланади.	Материал ҳар қандай мавжуд оммавий ахборот воситаларида бўлиши мумкин: оғзаки ёки ёзма ёки комбинацияда (**Видео, илмий мақола, газета материали).**
Маърузада талабалар доимий равишда **қабул қилиш режимида** қатнашадилар.	Аудиторияда талабалар **ўзаро таъсирнинг ҳар хил турларида** қатнашади.
Талабалар одатда **олд томонга қараб** қаторларда ўтиришади.	Талабалар **гуруҳларда, ресторан услубида ёки стуллар доирасида** ўтиришлари мумкин.
Талабалар мавзуни қабул қилишади ва кейинчалик эсдан чиқаришади.	Талабалар мавзуни ўзлаштириши билан бошланади ва кейин уларнинг тушунганлари аудиторияда текширилади.
Талабалар асосан **яккаланиб қоладилар.**	Ўрганиш **ижтимоий фаолиятга** айланади.
Ўқитувчига юқори даражада боғлиқлик.	Талабаларнинг **талабалар ўртасидаги** ўзаро боғлиқлиги.
Билим ўқитувчи томонидан узатилади.	**Билим** талабалар ва ўқитувчи билан биргаликда ишлаб чиқарилади.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Flipped learning (Тескари таълим) - бу анъанавий ёндашувдан тубдан фарқ қилувчи педагогик ёндашув бўлиб, бунда *талабалар дарсдан олдин ўқув материали билан таништирилади,* дарсда эса, талабалар ўқув материалини чуқурлаштириш учун фойдаланиладилар. Улар *дарсда тенгдошлари билан мунозара ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича муҳокама олиб борадилар.* Ўқитувчилар эса фақат уларни қўллаб-қувватлаб турадилар[7].

Мазкур педагогик ёндашувни иқтисодий фанларни ўқитишда қўллаш таълим сифатини ошишида жуда яхши натижалар келтиради. Қуйидаги

мисолда буни кўриш мумкин. Микроиқтисодиёт фанидан “Номукаммал рақобат” мавзуси бўйича Flipped learning педагогик ёндашувни қўллаш бўйича маъруза машғулотига қадар талабаларга қуйидаги материаллар олдиндан берилади:

1. Мавзу бўйича слайд тақдимотининг видео маърузаси.

2. https://youtu.be/Sb_-wfmJnHA. YouTube Monopolies and Anti-Competitive Markets: Crash Course Economics #25. Видео материал 10 минутлик.

3. https://youtu.be/PgDrR2wj_Jc. YouTube Monopolies vs. perfect competition | Microeconomics | Khan Academy. Видео материал 5 минутлик.

4. WEF_The Global Competitiveness Report 2020. 2020-top-performers. http://www3.weforum.org/docs. Мамлакатларнинг рейтинг кўрсаткичлари.

5. Имомова Н.А. Хусусий тадбиркорлик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари. “Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари ва мавжуд хатарлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. ТДШИ. Тошкент 2019 йил 25 октябрь.84-89 б. Мақола.

6. https://antimon.gov.uz/uzb/qomita/ - Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси маълумотлари.

Ушбу материалларни талабалар ўзлари мустақил ўзлаштириб, ўрганиб дарсга махсус саволлар тайёрлаб келади. Дарсда фақат савол-жавоб, мунозара, билганини билдириш вазифалари амалга оширилади. Ўқитувчи эса, талабаларни мавзу бўйича йўналтириб, тўлдиришлар ва қўшимча маълумотларни изоҳлаб бериш билн кифояланади.

Талабаларга берилаётган материаллар уларни қизиқтириш учун албатта маъруза матн кўринишида бўлмаслиги керак, балки улар, видео, аудио ҳамда визуал материаллар кўринишида бўлиши дарс сифатининг натижавийлигини ва самарадорлигини янада оширади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим тизимида сифатли таълимни йўлга қўйиш бу замон билан ҳамнафас бўлишни, ўз устида тинимсиз ишлашни, илмий тадқиқот натижаларини бевосита дарслар жараёнида қўллашни доимий равишда талаб қиладиган жараёндир. Бу жараёнда нафақат профессор-ўқитувчилар, балки талабалар ҳам фаолликни, ўз устида ишлашни, рақобатбардош бўлишни намоён қилишлари ҳар доимгидан ҳам зарур ҳисобланади. Бу борада профессор-ўқитувчилар талабаларни нафақат фанга, таълимга, тадқиқотга, мустақил ишлашга қизиқтира олиш балки, уларнинг бу борадаги имкониятлари ва қизиқишларини кўрсатиб бера олишлари керак. Талабаларга бундай тарзда мустақил тайёргарлик қилиш имкониятини кенг яратиб берилиши, уларда янги имкониятлар ва билимларни пайдо бўлишига замин яратади. Бу жараёнлар, албатта, таълимдаги замонавий педагогик технологиялар, педагогик маҳорат ва илмий тадқиқот орқали амалга оширилади. Буларнинг барчасини ўзаро уйғунлаштира олиш барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва сифатли таълимни йўлга қўйилишига асос бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР / REFERENCES / ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони.www.lex.uz.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сон Фармони. www.lex.uz.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23.09.2020. www.lex.uz.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. www.lex.uz.

[5] Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим Муассасаларида ECTS Кредит-Модуль Тизими: Асосий Тушунчалар ва Қоидалар. 10 август 2020. 64 б. 16-бет.
[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сон Фармони.
[6] https://www.heacademy.ac.uk/knowledge-hub/flipped-learning-0 "Advance HE" Билимлар маркази.